

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тўғрисида

ШАРТНОМА № 41116

Тошкент ш.

2022 йил “31” 08

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган «МАНКАМ BUILDING» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва № 002174 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Махкамов Х.К., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 25-августдаги 139052-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Янги Камолон” маҳалласи, 20-йй олдида, “Камолон” маҳалласи, 6-8г уйлар олди, “Гулобод” маҳалласи, 8-йй олдида, “Гулобод” маҳалласи, 15-йй орқа тарафи, “Гулобод” маҳалласи, 20-21й оралиғи, “Гулобод” маҳалласи, 79-йй олдида, “Эшонгузар” маҳалласи, Гунча кучи, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Нурафшон кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, 118-йй олдида, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Увайсий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Мажлисий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, М.Обид кўчаси, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, 2-тор Қозиробод, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, Қозиробод кўчасини кластер усулида цементбетон қопламали ички йўлларни қуриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса). лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;

- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошлангич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ККС сиз**) **48 000 000** (Кириқ саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичидаги шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси

хамда хисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний хисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл кўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан хамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга каршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хукуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқаларни) 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши хамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқлансанса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумotларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқлансанса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидиув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида боскичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул килиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул килиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул килиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилған кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофик ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталарга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарап қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктириса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганини фактлари ҳакида хабар берилганини учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганини маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилмагандага, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили: Ташкента
100027, Тошкент ш. И. Каримов кўчаси,
16а-уй. ОКОНХ 69000

304521260262777045129118068

УДИГИЛНИИ КАЗНАЧЕЙСТВА

ДИНОНА РУз

06/28/02/00/100/001/010

11/11/2021/22/210

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



БАЖАРУВЧИ

ООО «МАНКАМ BUILDING»

Адрес и расчетный счет:

г. Ташкент, Юнусабадский район,

ул. Мойкурган дом №53

р/с: 20208000300718496001,

М. Улугбекский ф-л. АКБ

«Узпромстройбанк»

МФО 00440, ИНН 304592883

ОКЭД-71110



Директор

Махкамов Х.К.





Тошкент шаҳар

2022й.

“Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Янги Камолон” маҳалласи, 20-й олдида, “Комолон” маҳалласи, 6-8г уйлар олди, “Гулобод” маҳалласи, 8-й олдида, “Гулобод” маҳалласи, 15-й орқа тарафи, “Гулобод” маҳалласи, 20-21й оралиги, “Гулобод” маҳалласи, 79-й олдида, “Эшонгузар” маҳалласи, Гунча кучаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Нурафшон кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, 118-й олдида, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Увайсий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Мажлисий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, М.Обид кўчаси, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, 2-тор Қозиробод, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, Қозиробод кўчасини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш. (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса).” объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиха ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Янги Камолон” маҳалласи, 20-й олдида, “Комолон” маҳалласи, 6-8г уйлар олди, “Гулобод” маҳалласи, 8-й олдида, “Гулобод” маҳалласи, 15-й орқа тарафи, “Гулобод” маҳалласи, 20-21й оралиги, “Гулобод” маҳалласи, 79-й олдида, “Эшонгузар” маҳалласи, Гунча кучаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Нурафшон кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, 118-й олдида, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Увайсий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Мажлисий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, М.Обид кўчаси, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, 2-тор Қозиробод, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, Қозиробод кўчасини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш. (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса).” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиха ташкилотини танлаш мақсадида № 139052 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул килинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “МАНКАМ BUILDING” МЧЖ фолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРПТ бўйими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 августдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Янги Камолон” маҳалласи, 20-үй олдида, “Комолон” маҳалласи, 6-8г уйлар олди, “Гулобод” маҳалласи, 8-үй олдида, “Гулобод” маҳалласи, 15-үй орқа тарафи, “Гулобод” маҳалласи, 20-21үй оралиғи, “Гулобод” маҳалласи, 79-үй олдида, “Эшонгузар” маҳалласи, Гунча куча, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Нурафшон кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, 118-үй олдида, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Увайсий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, Мажлисий кўчаси, “Олим Хўжаев” маҳалласи, М.Обид кўчаси, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, 2-тор Қозиробод, “Камолон Дарвоза” маҳалласи, Қозиробод кўчасини кластер усулида цементбетон қопламали ички йўлларни қуриш.” объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “МАНКАМ BUILDING” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.



С. Сагдиев




Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдулсатторов



М. Холматова



"Тасықтаман"

Тошкент шаҳар Ишодай гараскет
ва камбалаликни кискартиши
бонъ башкармаси

12 "Европа" 2022 й.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2022 йил 8 аугустдаги VI-68-206-14-К/22 -сонли карори
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПК-249 -сонли карори
объектларнинг курни бўйиза

2022 йилни МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектнинг курилши бўйичалик даражаси та тозуларини нига	Объектнинг указни хизматни шартланни кориглантириш нига	2022 йил учун кутилаш кўйинчалик ламзиги			2022 йил фидбалланинга тозуларини			2022 йил учун кутилаш кўйинчалик ламзиги		
			шу жузгандан	Буоротни босла	Кутилаш жадиди хизматни кориглантириш нига	Кутилаш жадиди хизматни кориглантириш нига	Кутилаш жадиди хизматни кориглантириш нига	Тозулар (жадид) шартланни кориглантириш нига	Энергетика хизматни кориглантириш нига	Тозулар (жадид) шартланни кориглантириш нига	Тиммопотноми нига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	4 345,274	0,000	0,000	0,000
2	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	29,242	65,436	65,436	65,436
3	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	21,340	21,340	21,340	21,340
4	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	58,425	58,425	58,425	58,425
5	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	46,256	46,256	46,256	46,256
6	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	40,713	40,713	40,713	40,713
7	2022 йил шартланниш нига	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	59,655	59,655	59,655	59,655

№	Объекты иностранных компаний на территории Республики Казахстан	Обеспечивающий юридический объект (правительственная структура) или юридическое лицо	Номер объекта, подлежащего государственной регистрации в реестре юридических лиц	2022 Итоги выполнения бюджетного задания		Тематика поиска	
				Код налогового органа	Наименование юридического лица	Номер бюджетного документа	Номер бюджетного документа
1	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска
2	Любимов Юрий Евгеньевич	Бюджетный орган, осуществляющий государственное управление в сфере образования, науки, культуры, спорта, туризма, молодежной политики, здравоохранения, социальной защиты населения, земельных и имущественных отношений	Железногорский бюджетный казначейский округ	Бюджетный округ	Красногорский бюджетный казначейский округ	Аудиторская служба	Тематика поиска
3	4	5	6	7	8	9	10
49	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска
50	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска
51	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска
52	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска
53	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска
54	Томашек инвест Швейцария "Плюс" №00000000000000000000000000000000	0.1.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.22н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	01.01.23 н. Участник Внешней политики Республики Казахстан	Экспертный кадровый резерв на основе квалифицированной квалификации	Тематика поиска

The stamp is circular with the following text:
"МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН"
"MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN"
"2022 й."



Л.Н.Исматулаев
2022 г.